



**ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА ОЛИБ БОРИЛГАН СОЛИҚ
СИЁСАТИГА ДОИР
(XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИ)**

Наргизахон Алимова

ФДУ доценти, т.ф.ф.д.

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8300199>

ARTICLE INFO

Received: 23th August 2023

Accepted: 29th August 2023

Online: 30th August 2023

KEY WORDS

ABSTRACT

XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси томонидан Туркистонда ўзига хос солиқ сиёсати олиб борилган. Империя ҳукумати томонидан жорий қилинган солиқ сиёсатида инсоний ва географик омиллар, маҳаллий анъаналар эътиборга олинмаган. Бошқача айтганда, иқтисодиётни ривожлантириш учун икки томонлама манфаатли солиқ тизими ишлаб чиқилмаган. Ўлкада айни сиёсатни олиб боришда ҳукумат маъмурлари империя марказий губернияларида жойлашган тўқимачилик саноати эҳтиёжларидан келиб чиқиб, пахта ва пилла етиштиришга катта эътибор қаратилган. Хусусан, ипак ва пахта хомашёсини етиштиришда турли навлар хорижий ўлкалардан келтирилиб, ҳосилдорликни ортиб боришига эришиш учун интилганлар. Масалан, “америка” пахта нави агротехникасини ўрганиш учун Америка пахта фермаларига мутахассислар юборилган.

Ипакчиликда ҳам аҳволни яхшилаш мақсадида 1871 йил 6 сентябрда ипакчилик мактаблари очиш тўғрисидаги ҳукумат қарори чиққан¹. Ушбу қарорга асосан Туркистон ўлкасида 1873 йилга келиб дастлабки мактаблар очилган. Ўқиш бепул бўлиб, мактабни тугатганларга алоҳида гувоҳнома берилган². Ўлкада пиллачилик маҳсулотлари сифатини яхшилаш мақсадида ипак қурти уруғи тайёрлайдиган станциялар ташкил этилган. Мазкур станцияларда бир қанча хорижий турлар (хусусан, Италия, Франция, Япония, Хитой давлатларининг турли ипак қурти турлари) устида тажриба олиб борилган³. Туркистон шароити учун «Корсика»⁴ (табiiй иқлим шароити туфайли) тури кўпроқ тўғри келгани сабабли, ушбу ипак қурти уруғини сотиб олиш ва етиштириш аҳоли орасида кенг тарғиб қилинган Тез орада Марғилон, Самарқанд каби

¹ ЎзР МДА, И.1-фонд, 15-рўйхат, 98-иш, 26-варақ.

² ЎзР МДА, И.1-фонд, 15-рўйхат, 97-иш, 31-варақ.

³ Вилькинс А. Несколько слов о гренажных станциях Туркестана // Туркестанские ведомости (кейинчалик-ТВ). – 1889. – №12.

⁴ Корсика – Ўрта ер денгизининг шимолий қисмидаги орол. (Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашриёти, 2003. – Б.47.)



шаҳарларда уруғчилик станциялари ташкил этилган. Солиқлар ҳисобига ташкил этилган бу станциялардан аҳолига ипак қурти уруғи бепул тарқатилган⁵. Шунингдек, маҳаллий деҳқонларга ҳам бепул “америка” пахта нави уруғлик чигити тарқатилган. Аммо, иқтисодий сиёсатнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги, солиқ тизимини ислоҳ қилмаслик оқибатида маҳаллий аҳоли йилдан-йилга қашшоқлаша бошлаган. Ўлка маъмуриятининг лоқайдлиги оқибатида, энг намунали уездлардан бўлган Тошкент аҳолиси ҳам 1883 йилгача оғир аҳволда кун кечирган⁶.

Ўлкада пахтачиликни ривожлантириш мақсадида ўлка бошлиғи М.Черняев русийзабон аҳолига ер эгаллиги ҳуқуқини берган. Ўлкага кўчириб келтирилган русийзабон аҳоли ҳам пахта экиш билан шуғулланган. Лекин, улар деҳқончиликни айниқса, пахта агротехикасини, ўлка метеорологиясини билишмаган. Шу боисдан, русийзабон ер эгалари маҳаллий аҳолидан ёлланган деҳқонлар ёрдамида ерга ишлов беришган. Шунингдек, маҳаллий деҳқонлар ерга ўзлари ва оила аъзолари билан ишлов беришган. Бироқ, ер солиғи миқдорининг юқорилиги, озуқа маҳсулотларнинг қимматлашиши оқибатида кўпчилик деҳқонлар пахтачиликдан воз кечган.

Ўз навбатида, Россия империяси ҳукумати томонидан ипак хомашёсини тайёрлашни ҳажмини кўпайтириш мақсадида амалга оширган тадбирлари кўлами ўлка ипакчилиги соҳасини батамом қамраб олмаган. Масалан, ҳукуматнинг давлат ипак қурти уруғчилик станцияларини ривожлантиришга бўлган ҳаракати тўлиқ самара бермаган⁷.

Ўлка бошлиғи генерал адъютант Н.Розенбах ҳам ўлкада пахтачилик ва пиллачиликни ривожлантиришга ҳаракат қилган. Жумладан, соҳаларда солиқ имтиёзлари берилишига эришишини ваъда берган. Аммо, ваъдаларнинг амалий натижаси бўлмаса-да, маҳаллий аҳоли ўз анъанасига давлат ғазнасидан ҳеч қандай ёрдам олмасдан ўз маблағи ва оғир меҳнатлари ҳисобига пахтачилик ва пиллачилик билан шуғулланган⁸.

Тошкент худуди деҳқонлари пахта экин майдонлари учун ер солиғини бекор қилишни сўраб бир неча маротаба юқори бошқармаларга мурожаат қилишган⁹. Лекин, империя ҳукумати мурожаатномаларни эътиборсиз қолдирган. Ҳамда, солиқ тизимида умуман ислохотлар олиб бормаган. Юқоридаги хатга жавобан генерал губернаторлик раддия билдирган.

Россия империяси ҳукумати Туркистон ўлкасини босиб олгандан сўнг, мусулмон аҳоли ва ўлкада катта обрўга эга бўлган дин пешволарининг нафратидан ҳайқиб, аҳоли яшамайдиган вақф ерларини солиққа жалб қилмаган. Генерал-губернаторлик томонидан барча вилоят губернаторларига аҳоли яшамайдиган вақф ерларини солиққа тортмаслик билан бирга ушбу ерларнинг аниқ миқдори ҳақидаги маълумотларни солиқ ҳисоботларига илова қилишга кўрсатма берилган¹⁰. Жумладан, 1903 йилги Фарғона вилоятидан генерал губернаторликка юборилган ҳисоботларда

⁵ Вилькинс А. Несколько слов о гренажных станциях Туркестана // ТВ. – 1889. – № 12.

⁶ Ўзбекистон Миллий Архиви, И-1 жамғарма, 11 рўйхат, 550 йиғма жилд. 75-орқа варак.

⁷ ЎзР МДА, 132- фонд, 1- рўйхат, 17-иш, 3-варак.

⁸ Ўзбекистон Миллий Архиви, И-1 жамғарма, 11 рўйхат, 550 йиғма жилд. 76-варак.

⁹ Ўзбекистон Миллий Архиви, И-1 жамғарма, 11 рўйхат, 550 йиғма жилд. 76-варак.

¹⁰ Ўзбекистон Миллий Архиви, И-1 жамғарма, 12 рўйхат, 493 йиғма жилд. 5-варак.



вилоятдаги хонликлар даврида бир неча қозилар томонидан тасдиқланган вақф ҳужжатлари асосида тан олинган 74 та вақф мулклари ҳақида тўлиқ маълумот келтирилган¹¹.

Аммо, Россия империяси ҳукуматининг ушбу сиёсати ҳамма ҳудудларда ҳам бирдай амалда бўлмаган. Масалан, Чимкент уездидаги туркистонлик Султон Ҳазрат эшон авлодларида хонлар давридаги турли солиқлардан озод қилинганлиги тўғрисидаги ёрлиқликлари 1864 йилда К.П.Кауфман томонидан ўрганилиб, император номидан солиқдан озод қилинган. Аммо, ёрлиқлар эгаларига қайтарилмаган ва 1875 йилга келиб улардан барча солиқлар талаб қилинган ва солиқ олинган. Эшон авлодлари томонидан 44 нафар кишининг исмлари ёзилган шикоят аризалари асосиз ҳисобланиб, эътиборсиз қолдирилган¹².

Россия империясининг айрим сиёсатчилари Туркистон аҳолисининг ҳукумат бошқарувига нисбатан салбий кайфиятнинг кучаймаслигидан манфаатдор бўлишган. Улар империянинг ўз ичида ҳам давлат ва жамиятнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш, Россияни Европада бўлаётган иқтисодий ва сиёсий ислохотлардан орқада қолмаслиги тарафдори бўлган. Шундай шахслардан бири, махфий давлат маслаҳатчиси Д.Кобеко бўлиб, у Туркистондаги аҳоли яшамайдиган вақф ерларидан солиқ олмаслик тўғрисидаги низом бандини ўлка бошқарувининг охиригача амалда бўлишини талаб қилган. Д.Кобеко 1899 йилда Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низомда белгиланган солиқлар тўғрисидаги бандлар ҳали ҳам крепостной ҳуқуқи асосида давом этаётганлигини танқид қилган. У мулк олди-сотди ҳужжатларини расмийлаштиришда судлар томонидан харидордан олинадиган мулк миқдорининг 4 фоиз тўловини умумий 1000 рублдан оширмасликни ва қонунда белгиланишини талаб қилган¹³. Бироқ, Россия империяси мустамлакачилари ўз ҳаражатларини босиб олинган аҳоли ҳисобидан қоплашни тўғри деб билган. Ушбу мақсад йўлида иқтисодий сиёсат юритган¹⁴. Шу билан бирга, бошқарувда асосий таянч бўлган ҳарбийларга турли имтиёзлар беришда давом этган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Россия империяси томонидан Туркистон ўлкасининг 30 йиллик бошқарувининг сўнгги йилларидагина солиқ миқдорларини камайтириш тўғрисидаги масалалар кун тартибига қўйила бошлаган. Россия империяси ҳукмронлиги даврида ўлка аҳолиси солиқларни тўлашга жуда ҳам қийналган. Оқибатда, солиқ қарзларини ундириш учун уларнинг кўчмас мулклари тортиб олинган. Ҳамда, қарздорлик солиқ тўловчилар зиммасида қолиб кетган.

References:

1. ЎзР МДА, И.1-фонд, 15-рўйхат, 98-иш, 26-варақ.
2. ЎзР МДА, И.1-фонд, 15-рўйхат, 97-иш, 31-варақ.
3. Вилькинс А. Несколько слов о гренажных станциях Туркестана // Туркестанские ведомости (кейинчалик-ТВ). – 1889. – №12.

¹¹ Ўзбекистон Миллий Архиви, И-1 жамғарма, 12 рўйхат, 493 йиғма жилд. 7-157-орқа варақлар.

¹² Ўзбекистон Миллий Архиви, И-17 жамғарма, 1 рўйхат, 13446 йиғма жилд. 1-43-варақлар.

¹³ Ўзбекистон Миллий Архиви, И-1 жамғарма, 11 рўйхат, 1864 йиғма жилд. 1-5 орқа-варақлар.

¹⁴ Ўзбекистон Миллий Архиви, И-87 жамғарма, 1 рўйхат, 31176 йиғма жилд. 40-варақ.



4. Корсика – Ўрта ер денгизининг шимолий қисмидаги орол. (Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашриёти, 2003. – Б.47.)
5. Вилькинс А. Несколько слов о гренажных станциях Туркестана // ТВ. – 1889. – № 12.
6. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-1 жамғарма, 11 рўйхат, 550 йиғма жилд. 75-орқа варақ.
7. ЎзР МДА, 132- фонд, 1- рўйхат, 17-иш, 3-варақ.
8. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-1 жамғарма, 11 рўйхат, 550 йиғма жилд. 76-варақ.
9. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-1 жамғарма, 11 рўйхат, 550 йиғма жилд. 76-варақ.
10. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-1 жамғарма, 12 рўйхат, 493 йиғма жилд. 5-варақ.
11. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-1 жамғарма, 12 рўйхат, 493 йиғма жилд. 7-157-орқа варақлар.
12. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-17 жамғарма, 1 рўйхат, 13446 йиғма жилд. 1-43-варақлар.
13. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-1 жамғарма, 11 рўйхат, 1864 йиғма жилд. 1-5 орқа-варақлар.
14. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-87 жамғарма, 1 рўйхат, 31176 йиғма жилд. 40-варақ.